



2020 йил 30 июль

№ РС-39-20

Тошкент шаҳри

**Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатлари  
томонидан 2020 йилнинг иккинчи чорагида назорат тартибида  
кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатлари томонидан 2020 йилнинг иккинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори муҳокама қилиб, “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига мувофиқ, Олий суд Раёсати

**Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

**1. Қуйидагилар:**

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг иккинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг иккинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг иккинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори 3-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг иккинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори 4-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

2. “Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси” ҳамда “Куч-адолатда” газетаси бирлашган таҳририяти (Ш.Ҳамроев), “Одил судлов” – “Правосудие” журнали таҳририяти (К.Убайдиллоев), Олий суднинг Матбуот хизмати (А.Абидов), Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси (Б.Очилов) суд амалиёти обзорларини Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси, “Одил судлов” – “Правосудие” журнали ҳамда Олий суднинг веб-сайтида эълон қилинишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатлари (Т.Мелибоев, Г.Парпиева, А.Муродов, Қ.Комилов), вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар раислари зиммасига:

суд амалиёти обзорларини вилоят, туманлараро, туман (шаҳар) судларининг ҳар бир судьясига реестр орқали етказилишини таъминлаш;

суд амалиёти обзорларини барча судьялар иштирокида ўрганиш мақсадида **2020 йил август ойида** видеоконференцалоқа режимида семинар машғулотини ўтказиш;

бажарилган ишлар ҳақидаги батафсил ахборотни Олий суднинг Пленуми ва Раёсати котибиятига электрон шаклда **2020 йил 31 августга қадар** тақдим этиш юклансин.

4. Ушбу қарор Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлараро, туман (шаҳар) судларига амалиётда фойдаланиш ва ишларни кўришда йўл қўйилаётган камчиликларга чек қўйиш чораларини кўриш учун юборилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосарлари – судлов хайъатлари раислари Р.Махмудова, И.Муслимов, Х.Ёдгоров ва Б.Исаков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий суди раиси**

  
**К.Камилов**